



ХАВАР

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1997 йил, 25 июль № 30 (258) ●

Сотувда нархи эркин

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ СОҲАСИНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Почта алоқасини, ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни бошқаришни янада такомиллаштириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини тизимлаштириш ва шу соҳага хорижий сармояларни жалб этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги туғатилган ҳамда унинг негизда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ташкил қилинсин.

2. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги зиммасига қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклатилсин:

Маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон-телеграф ва почта алоқасини, радиоалоқа, радиодиффузия ва телевидение тармоқларини вужудга келтириш, уларнинг фаолияти ва хизматлар курсатини соҳасидаги сиеатни ишлаб чиқиб, амалга ошириш;

почта алоқаси ва телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни йўналтириш ҳамда бошқаришни такомиллаштириш, маркетинг тадқиқотлари

ва мониторингни ташкил қилиш, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, бу соҳада рақобат муҳитини яратиш ва ривожлантириш;

телекоммуникация тизимлари ҳамда технологияларини ривожлантириш ва такомиллаштиришга хорижий сармояларни жалб этиш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш;

телекоммуникация технологияларини яратиш, жорий этиш ва фойдаланиш бўйича ягона этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш;

истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, миллий телекоммуникация тармоғи фаолиятининг ахборот соҳасидаги хавфсизлигини таъминлаш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳамда умумий фойдаланишдаги телекоммуникация ва почта тармоқларининг ишлашини таъминлайдиган хужалик юртуви субъектларнинг «Маҳаллий телеком», «Халқаро теле-

ком» акциядорлик компанияларини ва «Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

4. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги ҳузурида почта ва телекоммуникациялар давлат йўли билан қўллаб-қувватловчи бюджетдан ташқари Жамғарма ташкил қилиниб, қуйидагилар шу Жамғарма фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари сифатида белгилаб қўйилсин:

Почта алоқаси ҳамда телекоммуникациялар тармоқлари ва воситаларини ривожлантириш, техника билан қайта қуролантириш ва қайтадан тиклаш соҳасидаги устувор ҳамда ижтимоий жиҳатдан аҳамиятли лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини молиялаш;

мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантиришни молиялашда қатнашиш;

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги маҳкамасининг фаолиятини, шунингдек унинг тизимида кирувчи, мустақил даромад манбаларига эга бўлмаган телеком-

муникация тизимларини тартибга солувчи, бошқарувчи ва назорат қилувчи давлат органларининг фаолиятини молиялаш.

Белгилаб қўйилсинки, қорхоналарни хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг 40 фоизини, шунингдек Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги тизимида кирувчи акциядорлик жамиятлари ва қўшма қорхоналардаги давлатга тегишли акцияларнинг пакетлари (улушлар) бўйича дивидендларнинг 25 фоизини Жамғармага тушлаш унинг асосий манбалари ҳисобланади.

5. Шу нарса белгилансинки, Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан амалдаги қонунларга мувофиқ уз ваколати доирасида чиқариладиган норматив ҳужжатлар телекоммуникация ва почта алоқаси хизмати курсатувчи еки улардан фойдаланувчи, шунингдек мулкчилик шаклларида қатъий назар телекоммуникация ва почта тизимлари ҳамда иншоотларини лойиҳалаш ва қуриш ишларини амалга оширувчи барча юрлик ва жисмоний шахслар томонидан ижро этиш учун маж-

бурийдир.

6. «Ўзбекистон почтаси» давлат-акциядорлик компанияси таркибига кирувчи давлат қорхоналари ва акциядорлик жамиятлари 1998 йилнинг 1 январидан бошлаб асосий фаолият бўйича фойдалан солиқ тулашдан 2 йил муддатга озод қилинсин, бунда бушаб қолган маблағлар уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилиши шарт.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ушбу Фармондан келиб чиқадиган узғариш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддат ўчида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги фаолиятини ташкил қилиш масалалар бўйича қарор тайёрласин.

**Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1997 йил 23 июль.

САРҲИСОБ

Фарғона вилояти электралоқа ишлаб чиқариш қорхонасининг навбатдаги кенгаши ўтказилди. Кенгашда барча таркибий бирликларнинг бошлиқлари, бош ҳисобчилари, иқтисодчилари, касаба уюшма қўмитаси раислари ва шаҳар электралоқа боғламаларининг бошлиқлари иштирок этди.

Кун тартибда қорхонанинги ярим йиллик ҳужалик-молиявий фаолияти яқунлари кўриб чиқилди. Ушбу масала юзасидан қорхона бошлиғи У. Б. Султонов маъруза қилди. Маърузачи хозирги даврда энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолган дебитор ва кредитор қарзлар хусусида алоҳида тўхталиб, бу борада қилинаётган ишлар қониқарсиз эканлигини таъкидлаб ўтди. Музокараларда Бешариқ, Учқўприк, Қувасой, Ёзёвон, Тошлоқ туманлари электралоқа боғламалари бошлиқлари Р. Саидов, Х. Эргашев, Б. Охунжонов, Н. Турғунов, Б. Ҳамидовлар йўл қўйилган хато ва камчиликлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Кенгашда қўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Ф. УМАРОВА,
Фарғона вилояти

Яқинда Тошкент вилояти давлат электралоқа ишлаб чиқариш қорхонасининг биринчи ярим йиллик яқунлари бўйича кенгаши бўлиб ўтди. Унда вилоят шаҳар ва туманларининг электралоқа боғламалари бошлиқлари, бош ҳисобчилари ва иқтисодчилари қатнашди.

Кенгашда вилоят давлат электралоқа ишлаб чиқариш қорхонаси бошлиғи М. Содиқов «Қорхонанинги биринчи ярим йиллик ишлаб чиқариш фаолияти яқунлари ва келгуси вазифалар» тўғрисида маъруза қилди. Қорхона бошлиғи 1997 йилнинг олти ойида алоқа хизмати курсатини бўйича эришилган ютуқ ва йўл қўйилган камчиликлар ҳақида гапирди.

КЕНГАШ ЎТКАЗИЛАДИ

Муҳокамада Бўка тумани электралоқа боғламаси бошлиғи Х. Эшонов, Қибрай тумани электралоқа боғламаси бошлиғи Р. Раҳмонқуллов, Келес тумани электралоқа боғламаси бошлиғи А. Иброҳимовлар сўзга чиқдилар. Шунингдек, кенгашда вилоятнинг Пискент, Зангиота, Қибрай, Келес, Бўка ва Зафар боғламаларида «ДЭУ» фирмасининг рақамли АТСларини ўрнатиш борасидаги тайёргарлик ишлари тўғрисида қорхона бош муҳандиси А. Эшонқўжаев маъруза қилди.

Кун тартибда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Муроджон НАЗИРОВ,
жамоатчи муҳбиримиз

● **Матбуотда «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони таъсиш этиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, шунингдек «**Ҳуқуқий маърифат тарғиботи Марказини ташкил қилиш ва ҳуқуқий адабиётларни аҳолига етказиб беришни йўлга қўйиш тўғрисида»** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинди.

● Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уюнда шу йил 25 августдан 2 сентябрга қадар Самарқандда бўлиб ўтadиган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига бағишланган брифинг ўтказилди.

Березовский иккинчи, 1,5 миллиард рубль даромад қилинган 200 йилликга бағишланган тантаналар бўлиб ўтди. Ведено — бу собиқ Шомил имоматининг тарихий пойтахти бўлиб, у ҳукмронлик қилган даврларда қалъага айланган эди. Байрам кунини 2 миңдан зиёд милиция ходимлари маъмур тантаналар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаб турди.

● **Хиндистон вице-пре-**

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар

● **Россия олий мартабадаги раҳбарлари ўзларининг 1996 йилги даромадлари кўрсатилган декларацияни тақдим қилдилар.** Ҳозирча эълон қилинган маълумотларга кўра бу раҳбарлар орасида ўтган йили Қалмиқистон президенти Кирсан Илюмжинов энг кўп — қарийб 5,8 миллиард рубль даромад қилибди. Бу руйхатда даромади 2,5 миллиард рубль атрофида бўлган Хавфсизлик кенгаши қотибининг ўринбосари Борис

зиденти Кочерил Роман Нараян расмий равишда мамлакатининг янги президенти деб эълон қилинди. Хиндистон матбуотининг ёзишича, 14 июлда ўтказилган президент сайловида 77 ёшли К. Нараян номзоди учун сайловчиларнинг 94,9 фоизи овоз берган. К. Нараян янги лавозимдаги ишнини хозирги президентнинг ваколат муддати тугагандан сўнг, яъни 25 июлдан бошлайди.

Гулбахор ёшлигиданок алоқа бўлими ходимларининг ишини зимдан кузатар, уларга ҳавас билан боқар эди. Почтачи келди дегунча олдига югуриб борар, «бизларга газета борми?» дея почтачини ҳоли-жонига кўймасди. Почтачи эса «Вой кизим-ей, сенга йўқ бўлсаям топиб бераман» деб, кўлига газета тутқазарди. Гулбахор шошиб уйига чопар, газетани тезроқ ўқиб, янгилекларни дугоналарига, укаларига гапириб берарди. Бу ҳол ҳар куни такрорлар эди.

Гулбахор Бобур номи ўрта мактабни тамомлаган кезлари алоқа бўлимига ишга боришни юрагига тугиб кўйди. У 1977 йили Гурлан туман почта алоқа боғламасида иш юритувчи вазифасига ишга қабул қилинди. Дастлаб иш бошлаш қийин кечди. Гулбахор билмаганларини раҳматлик Сония Са-

УШАЛТАН ОРЗУ

лимова, бош ҳисобчи Насрулло Салаевлардан сўраб ўрганди. Улар иш юритувчининг вазифаларини эринмай унга ўргатиб боришди. Гоҳи Гулбахор тушунмаганларини ийманибгина сўрарди. Шунда устози Насрулло ака: «Кизим, бобомиз Алишер Навоийнинг «Сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим» мақолини эшитгандирсан-а, ҳеч тортинма, сўрайвер, аста-секин ўрганиб кетасан» дея унга далда берарди...

Мана, бу йил Гулбахорнинг Гурлан почта алоқа боғламасига ишга кирганига қарий 20 йил тўлаяпти. У ўтган йиллар давомида ўзининг камсукумлиги, меҳнатсеварлиги билан боғламада обрў-эътиборга сазовор бўлди.

— Ҳақиқатан ҳам Гулбахорнинг жамоамизда ўз ўрни бор, — дейди Гурлан туман почта алоқа боғламаси бошлиги Аминбой Раматов биз билан суҳбатда. — У айни кунда жамоада ходимлар бўлими бошлиги вазифасида ишлайди. Кадрларни танлаш, уларнинг ҳужжатлари меъёрида бўлиши учун жон куйдиради.

— Мен Гулбахорни ўз шогирдим деб биламан, — дейди боғлама бош ҳисобчиси Насрулло Салаев. — Унинг дастлабки ишга келган кунлари ҳамон эсимдан чиқмайди. Унга нимаки тушунтирсам дарров илғаб олар, ўз ишига пухта эди. Камтарлиги менга ёқарди.

Гулбахор ўз вазифасидан ташқари жамоат ишларини

бажаришга ҳам вақт топади. Турмуш ўртоғи Жуманазар Саидов боғламада масъул вазифада меҳнат қилаяпти. Улар тўрт нафар фарзандни меҳр билан тарбиялаб, вояга етказмоқдалар. Катта қизлари Роҳатой Урганч Давлат университети физика-математика факультетининг 3-курсда таълим оляпти. Ўғли Музаффар мебелсозлик ҳунарини бобоси 80 ёшли уста Ражаббой ота Аҳмедовдан ўрганган, эндиликда ўзи мустақил ҳар хил мебелни ясай олади. Хурматой, Санъатбеклар эса ўрта мактабда таълим-тарбия олишяпти.

Гулбахор Аҳмедова айни кунларда қувончли дамларни бошидан кечирмоқда. Ҳамкасблари унинг қирқ ёши ва иш бошлаганлигининг 20 йиллиги билан салимий кулалашмоқда.

Зеварой ҚҶЧҚОРОВА,
Хоразм вилояти

Алоқа матбуот кўзгусида

АППАРАТНИНГ НОМИ «ТЕЛЕФОН» ЭДИ

1865 йили Америкадаги газеталардан бирида шундай ёзилган эди: «Нью-Йоркда нодон ва лақма одамларга гўё сим орқали узоқ масофада овоз узатадиган аппарат кўрсатиб, ҳийлагарлик қилган ва шунинг эвазига улардан пул олгани учун айбланган 46 ёшли бир киши қамоққа олинган эди. У ўз аппаратига «Телефон» деб ном берибдики, бу ном «телеграф» атамасининг тақлидидир.

Бу киши телеграфнинг фазилатларини билган кишилар ишончига хиёнат қилган. Мутахассисларнинг фикрича, овозни сим орқали тарқатиш мумкин эмас. Борди-ю, мумкин бўлганда ҳам унинг ҳеч қандай амалий аҳамияти бўлмас эди.

КАПАМУШДАН ЭЛЕКТР ҚУВВАТ ОЛИНАДИ

Бир гуруҳ америкалик муҳандислар ярим ўтказгичлардан фойдаланиб, жажжигина радиоэлектрон қурилмалар билан танасида ҳосил бўлган электр қувватидан озиқланади.

Танага улганган электродлар жониворга заррача озор бермаган ҳолда унинг қувватини «сўриб олади». Радиоқурилма 155 микроваттгача қувват сарфлайди.

А. АЛИЕВ
тайёрлади

МУКОФОТ МУБОРАКИ!

Алоқа соҳасини ривожлантиришдаги кўп йиллик самарали ва ҳалол хизматлари учун «Алоқинвест» хиссадорлик жамияти расмининг ўринбосари Баҳодир Тауфиқович БУРҶОНОВ Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирининг буйруғига биноан «Моҳир алоқачи» нишони билан мукофотланди.

ТАЪРИҚЛАРИМИЗ!

Сурхондарё вилояти давлат почта алоқа корхонаси жамоаси Узун тумани почта алоқа боғламаси бошлиғи Абдуҷаббор АВАЗОВНИ 55 ёши билан чин дилдан қутлайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ҳамда ишларида муваффақият тилайди.

Термиз—Тошкент автомобиль йўли трассасида борайтган эдик. Кутилмаганда уяли телефон жиринглаб қолди. Шунда ҳамроҳим, деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасининг раиси уяли телефонни чўнтагидан чиқариб, ундаги тугмачалардан бирини босди. Кўнғироқ қилган кишига жавоб бераркан «Раҳмат, ҳаммаси кўнғилдагидай бўлибди» деб кўйди.

Дарҳақиқат, «Ўздунроби» қўшма корхонасининг уяли телефон алоқаси бўйича Термиз бўлими иш бошлаган, бошқа соҳалар қатори алоқа тармоғи ҳам жаҳон андозалари даражасида қайта қурилаётганини аққол сезилди. Ҳозир вилоят бўйича 250 нафар миқоз бу янгиллик имкониятидан фойдаланмоқда. Улар 80 километр радиусда бир-бирлари билан боғланишяпти. Яқинда эса бу ҳаво йўли масофаси наҳд икки баробар кенгайди.

— Энди миқозларимиз сони минг нафарга етади, — дейди уяли телефон алоқасининг Термиз бўлими бошлиғи Норму-

ДУНЁ БИР ҚАДАМ...

род Худоёров. — Жарқурғон телемарказига ўрнатилган алоқа минораси бизга шундай имконият яратди.

Маълумки, мустақил юртимизда уяли телефон алоқа хизмати 1992 йилдан йўлга қўйилган. Аммо у Сурхондарёда жорий йилдан фаолият кўрсата бошлади. Февраль ойдан бери АКШнинг «ТЕЛОС» фирмаси дастгоҳлари мунтазам ишлаб турибди. Мавжуд алоқа жиҳозлари ишини Нормамат Бобоёров, Рудольф Шегай, Каримбой Шуқуров каби олий маълумотли мутахассислар назорат қилишмоқда.

— Мустақиллик бўлмаганда бу имконият қайда эди, — дейди биз билан суҳбатда Ангор тумани маиший хизмат уюшмасининг бош муҳандиси Шерали Боллиев. — Уяли телефоннинг ахборот олишдаги ўрни беқиёсдир. Айниқса, қаерда бўлишимиздан қатъий назар, бир вақтнинг ўзига учинчи одамни ҳам мулоқотга чақириб, баҳсли масалалар оидинлик киритиш мумкин. Хуллас, алоқачилар хизматидан хурсандимиз.

...Термиз шаҳридаги кўп қаватли бино устига ўрнатилган қурилмалар зарур манзилларни бир зумда боғламоқда. Келгусида миқозлар сафини кўпайтириш, аҳолига намунали хизмат кўрсатиш йўлида Нормурод Худоёров бошлиқ жамоа астойдил изланмоқда.

Н. ЗИЁЕВ,
жамоатчи муҳбиримиз,
Сурхондарё вилояти

Қотмадан келган, ишчамгина жуссали бу «йиғитча»ни эҳтимоман таъриқис. Кўча-кўйда назарингиз тушгандир балки. Хизмати баҳона хондонингизга йўқлаб борган маҳали сизни ўзининг ширин каломидан баҳраманд этган бўлса ажаб эмас.

ЎЗИМИЗНИНГ ОБИДЖОН АКА

Мазкур лавҳамиз қўшма хизматининг бажарётган юмуши ҳам ўзи каби оддий. У Чортоқ шаҳридаги 1-алоқа бўлимида почтачи бўлиб ишлайди. Адамшаридингиз, гап шу бўлимда кўп йиллардан буйи ҳалол ва сидқилдан меҳнат қилиб келаётган Обиджон ака Акбаров ҳақида кетаяпти.

Камтарга камол деганларидек, Обиджон ака севган касбига умрини бахшида этиб кам бўлмади. Эл ичида баҳоли кудрат хизмати билан ҳурмат топди.

— Бизнинг ишимизда энг муҳими ҳалоллик, одамлардан бир оғиз ширин сўзни аямаслик, — дейди у. — Қолгани аста-аста дегандай...

Ҳозирги бозор иқтисоди шариоити ҳамма жойда бўлгани ка-

би почта тизимида ҳам излан-тиш ишлашга ундаяпти. Эндиликда фақатгина газета-журнал ёки нафақа пулларини тарқатишнинг ўзи билан иш битмайди. Янги-янги ноанъанавий хизмат турларини йўлаб топилмоқда. Алоқа бўлимида бундай ҳаракатлар бор. Обиджон ака ўзига бириктирилган ҳудуддаги 175 нафар обуначига газета-

журналлар, 400 нафардан ортиқ нафақа-чиларга пулларини ўз вақтида етказиш билан биргаликда миқозлар талабини ўрганиб, турли матбуот нашралари сотувини ҳам йўлга қўйди. Ҳар ойда 600-650 сўмлик маблаг шу йўсинда топиляпти. Бундан ташқари моҳир почтачи электр, газ, телефон хизмат хўжалигини хондонларга бориб йиғиб олаётганлиги аҳолига янада қулайликлар туғдирмоқда.

Биз Обиджон акага кўч-ғайрат, одамларни қувончи хушхабарлар билан тез-тез хурсанд қилиш йўлидаги хайрли юмушларига ривож тилаб қоламиз.

А. ТҶИЧИБОВ,
Наманган вилояти

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

ТЕЛЕФОНЧИ ОПА

Бувайда тумани электралоқа боғламасининг телефон станциясида етти нафар алоқачи хизмат қилади. Улар билан суҳбатлашсангиз, телефончилик касбини танланликларидан ҳеч афсусланишмайди. «15-20 йилдан бери телефончи бўлиб ишлаб келяпмиз. Бу касбини пухта ўзлаштиришимизда устозимиз Муборак опа Абдуқодировнинг хизматлари катта» дейишяпти алоқачилар бир овоздан.

Муборак Абдуқодиров 1968 йили 1-ўрта мактабни тамомлагач, туман алоқа бўлимига ёрдамчи телефончи бўлиб ишга кирди. Бу ерда Люда Пазюкова, Гулчехра Носирова каби ўз ишининг устаси бўлган телефончилар



хизмат қилишар эди. Ёш Муборакка улар устозлик қилишди. Дастлабки кунларданок Муборак телефончилик касбини жон-дилидан севиб қолди. Устозларнинг тавсияси билан у тез орада мустақил равишда телефончилик қила бошлади. Ишдан ажралмаган ҳолда Фаргона маиший хизмат кўрсатиш коллежининг электротехника алоқа бўлимида ўқиб, малакасини оширди.

Муборак Абдуқодировнинг Ойшахон Ҳақимова, Гулнора Жалолова, Рўзиҳон Масайдова, Жамилахон Умрзоқова, Тожихон Ҳайдарова, Ҳалимахон Мамахонова, Ҳамидахон Эргашева каби шогирдлари бор. Телефончи Гулнора Жалолова устози ҳақида тўлқинлиб гапириб «Муборак опа менга кўп нарсани ўргатди. Ҳамиша устозим олдида таъзимда бўламан» дейди.

Бувайда тумани телефон станцияси 2220 та абонентга хизмат кўрсатади. Туман электралоқа боғламасининг бош муҳандиси Тоҳир Жабборов бош телефончи Муборак Абдуқодиров фаолияти тўғрисида шундай дейди:

— Муборак опани тўғма телефончи деса бўлади. Коммутаторда у хизмат қилаётган бўлса, миқозлар зарур жойлар билан гаплашмасдан кетган эмаслар. Шу боис ҳам уни кўпчилик ҳурмат қилади, «Телефончи опамиз» дея эъзозлашади.

Қаюмжон ТУРСУНОВ,
Фаргона вилояти

Нурга тўла бу хонадонга тасодифан қириб қолгандим. Ҳамроҳимнинг қистови билан бу оиланинг бир пайла чойини ичиш насиб этди. Рост, катта рўзгордаги ўзига хос самимийлик мени илк онлардаёқ «ром» қилди. Айниқса, мутлақо танимаса ҳам каминани ўз яқинидек алқаётган ва иссиқ бағрига босиб, юзларимдан меҳрибонлик билан чўл-чўл ўпаётган Қумри онанинг қайноқ нафасидан кўнглим ҳузур тортарди. Аяни Тошкентнинг Кўкча даҳасида танимайдиганлар бўлмас керак. Унлаб фарзандлари, неваралари, эваралари уни ўтказгани жой топишмайди. Сўхбат чоғи ундан эшитган бир жумла мени бутунлай лол қолдирди.

— Мен ҳаммага керакман, ҳа, ҳа, мен тала-тала, — деди онахон соддалик билан.

Бу сўзни у шунчаки айтди, холос. Мен эса ундан ўзимча маъно чиқардим. Қизлари-ўғиллари, неваралари, ҳатто чеваралари атрофида парвона ўтган аср одамини ҳақиқий бахтиёр инсон, десам ҳам камдек.

— Бу ҳовлидан ҳеч чиқа олмаяпман, — дейди онахон яна улуғлик билан. — Яқинда келин тушиши керак. Кўнглим шунда. Ёшларни бир ёқлик қилмай, ҳеч қаерга бормайман.

— Ахир уларнинг ўз ота-оналари бордир, — дейди онахон.

— Албатта бор, аммо улар менсиз бир иш қилишмайди, — сўзларини баён қиларкан яна ҳамсухбатим менга табассум улашди.

Балки сиз дафъатан уни ҳаммага зугум ўтказадиган димоғдор қариялардан бўлса керак деган хаёлга борарсиз. Йўқ, асло ундай эмас. Онахон меҳрини барчага бирдек улашди. Биронтасини бошқасидан асло кам кўрмайди.

Онахон билан сўхбатлашар эканман, яқинда ҳамкасбимнинг Тошкентдаги қариялар ва ногиронлар уйида кўрган ноҳуш воқеаси ёдимга тушади. Унинг куйиб-пишиб ҳикоя қилишича, бу ҳол Қумри онанинг турмуш тарзига етти ёт бегона! Ёши бир жойга бориб қолган онани ўғил-қизлари етаклашиб,

қаровсизлар сафига тикиб қўйишибди. Ахир ўғил-қизлар учун ота-она олдидаги қарзни узишга бир умр ҳам етмайди, дейишади-ку! Қора кўзлар ўз волидаларини бутунлай бегона одамлар қўлига топширишни ҳар бири ўзи учун инсон деб билмаганидан афсусдасман. Қариялар уйидаги онахон ўз қисматидаз нолиб бот-бот кўзига ёш оларкан...

Жиззахликлар Очил бобони ҳамон тез-тез эслашди. У бир умр одамлар хизматида бўлди. Нон ёпиб, ҳамқишлоқларининг меҳрини қозонди. Ёшлигида ўнг қўлининг жароҳатлини ҳаётининг сўнгги онларида анча панд бериб қолганди. У оламдан танҳо ўтди. Оила курганини ҳам ҳеч ким эслай олмади. Мен унинг

БАҒРИКЕНГЛИК

масжид ёнидаги фақирона кулбасида кўп бор бўлганман. Рост, ўша кезде ёш бўлганим боис, отахоннинг турмуш тарзига бундайроқ разм солмаган эканман. Мана, орадан шунча йиллар ўтиб, болалик хотираси билан Очил бобо қиёфаси яна кўз олдимга келади. Отахон ёлғиз эмасди. У яшаган заминда одамлар яқкалатиб қўйишмасди. Очил бобога бедорлиқни билдирмасликка ҳаракат қилишарди. Отамнинг қистови билан уйимизга таклиф қилгани борсам, эшигига юмшоқ сим илиғлиқ турганига кўзим тушарди. Шунда «кечиканим»ни ашлардим. Мендан илгарироқ уни кимдир қақриб кетган бўлиб чиқарди. Ҳамқишлоқлар кўп бор уни ўз хонадонларига доимий туришга таклиф қилишганидан ҳам воқиф эдим. Аммо ҳар гал у таклифни рад этарди. Бировникида кўпроқ туриб қолса, кимнидир кўнглини қолдириб қўядигандек сезарди ўзини.

Ҳеч қандай нафақасиз кун кўрарди. Умр бўйи бирор жойда расмана ишламай, ҳар доим бировларнинг хизматида қилган. Сўққабошлиги боис тузуқроқ ҳовли-жой ҳам унга насиб этмаган. Отахоннинг ҳолидан бохабар бўлганлар берадиган оз-моз чой пули билан кунини ўтказарди. Унга ортиқча ҳеч нима керак эмас эди. Унинг қалби инсонлар меҳрига ташна, зор эди.

Одамлар уни эслаб туришса бас, фақат шуни ўзи кифоя эди.

Ўзи бировдан мадад олади-ю, яна болакайларга сурнай ва курт улашгани қизиқ-да! Ўзи ҳам бола феъл. Уни кўрган заҳоти гўдаклар орқасидан қолишмайди. Очил бобонинг юраги шулар билан уриб турибди. Унинг бағрикенглиги ҳам шунда бўлса ажаб эмас!

Бир кун иш билан Самарқандга бориб кечкурун уйга келсам, Очил бобонинг қазо қилганини айтиб қолишди. Уни охириги кунларда кўра олмаганим бир армон бўлиб қолди. Уни лаҳадга бутун маҳалла ҳам-жихат бўлиб қўйганидан воқиф бўлдим. Ҳамма нарсаси саранжом-сарихта экан. Бировга оғирлиги тушмабди. Бандаликини бажо келтириш олдидан ҳаммадан розилик сўрабди. Отахоннинг қалби тозалигини билардим. Уни қарангки, нуронийнинг ўлими ҳам ҳокисорлик билан ўз якунини топибди.

Гоҳида инсон олдидаги ана шу сўнгги вазифа ҳам раво кўчавермайди. Айрим ўғил-қизлар мерос устида талашиб, ҳатто марҳум руҳига оёқ қўйишгача бориб етишди. Наманганда бўлганимда сўзлаб беришган бир ноҳуш воқеадан ҳамон ўзимга келолганим йўқ. Аҳолиси кўп маҳалланинг кексаларидан бири оламдан ўтди. Таомилга кўра, уни қадрга қўйиш ва инсоний бурчни бажариш учун қўни-қўшнилари шошилиқ тўпланишибди. Аммо жамоа йиғилган кезде ҳовли тўридаги тўс-тўполон уларни лол қолдирибди. Ҳамма нима гап эканлигини англай олмай, гаранг эмиш. Тобут устида ака ва сингил мерос талашаётганидан йиғилганлар ёқа ушлашибди. Шунда жанозага тўпланганлар марҳум олдидаги ҳурмат кўтарилганидан астойдил куюниб кетишди. Жигарларни қанчалик муроса қилишга қақришмасин, барибир бўлмади. Бир-бирига хезланиб турган фарзандлар ўрнига отани етти ёт бегоналар тупроққа қўйишган.

Ҳеч ким бу дунёга устун бўлолмайди. Одам бола-сидан яхшилик қолади. Бинобарин, атрофимиздагиларга яхшилик улашиб яшайлик. Бағрикенг инсонлар ҳаммиса бор бўлсин, зеро ҳаёт улар билан мазмунлидир.

Ислом УСМОНОВ

Илон эски пўстини ташлагандай, ўзидаги қаҳр-ғазабни улоқтириб юбора олган киши ҳақиқий инсондир.

Дунёни раҳм-шафқат бошқаради. Қўлида шафқат куроли бўлган инсонга ҳар қандай ёвуз кимсанинг ҳам кучи етмайди.

Дўстинг меҳрини яхши хулқинг билан, ота-онангнинг меҳрини тиришқоқлик билан, аёллар ва хизматкоринг меҳрини қобилият ва мурувватинг билан, қолганларнинг

ХИКМАТЛАР

меҳрини ҳушмуомалалик билан қозон.

Бу бебаҳо дунёда ёмон сўзни қулоғинг ёнидан ўтказиб юбор, ҳеч кимга жоҳиллик қилма, ҳеч ким билан ёвлашма.

Яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вуҷудга келади. Яхши хулққа ҳам одат туфайли эришилади.

Тарбия бизлар учун ё ҳаёт — ё мамот, ё наҳот — ё ҳалокат, — ё саодат — ё фалокат масаласидир.

Сабр-қаноат—оғиз учун фазилат, кучли учун зийнатдир.



Бир киши машҳур турк шоири Маҳмад Ақиф Эрсойини мазҳаб қилмоқчи бўлибди:

— Афандим, сиз мол дўхтирлигини битирган эдингиз-а?!

— Ҳа, бир еринг оғрияптими?!

Сукротнинг ўлимга ҳукм

ЛАТИФАЛАР

этилганини эшитган хотини:

— Сени ноҳақ ўлдиришяпти, — деб йиғлай бошлабди.

— Учир, — дебди Сукрот.

— Хали мени ҳақ бўла туриб ўлдиришларини истарминдиг?!

АЙРИЛИҚДАН ОҒИР НИМА БОР?

• Тўйғу

Севгилим... Сени ўйламай дейману аммо сенсиз хаёлларим чувалашиб кетади. Мўҳаббатга лиммо-лим юрагим сен томон ошиқайди, талпинади. Лекин мен олдинга боролмайман. Бу ерда журъатсизлик йўқ, ирода бор.

Хар оқшом девордаги суратингга сўйиб-тўйиб боқаман. Доим қулиб турувчи кўзларинг мени ҳайратландай бўлаверади. Кейин... Қўлларимни аллақандай қалтироқ босиб, чирокни ўчирман... Кўзларимга уйқу инмайди, балки қувиллади. Бу ерда ором йўқ, бедорлик бор.

Ярим тунда кўркий уйғонаман. Гўё тунда малаклар сенинг яққаю-яғона суратингни ўғирлаб кетишмоқчидек. Бу ерда гафлат йўқ, ҳавотир бор.

Тонгда туриб энг хушбўй гулларни узмоқчи бўламан. Сен учун. Аммо узолмайман, қалтироқ босади. Бу ерда бағри-тошлик йўқ, раҳмдиллик бор.

Йўлларингда турибман илҳақ. Сени кутаман. Келмайсан... Узолмайман кўнглимни сендан. Бу ерда армон уйқу йўқ, соғинчу севги бор.

Мен энг гўзал тоғни биринчи бор кўрганимда юрагим тоғнинг, тўғрироғи гўзаллиқнинг асири бўлгандай. Қайта-қайта мана шу тоғни ўн марта кўрдим. Учинчи бор кўрганимда бу тоғдаги бирон бир нарса мени ўзига тортмади. Бирок сени минг мартаба кўрган бўлсамда, негадир мени ўзингга янада қаттироқ чорлайверсан. Бу ерда сеҳр йўқ, меҳр бор.

Бир кун мана шу мажнунтол тагида иккимиз ажралдик. Мажнунтол хомуш тортиб бошини эгди, биз бош эгмадик. Тик кетдик. Ҳазонлар кўмди севгимизни. Бу ерда висол йўқ, айрилиқ бор.

Севгилим... Айтгил, айтгил, айрилиқдан оғир яна нима бор?!

Солиҳ ЗОИР

— Ҳўжам, инсон маймундан пайдо бўлган дейишади, шу ростми?

— Унда, олма помидордан пайдо бўлган экан-да?!

Муסיқа муаллими болага танбех берди:

— Мен сенинг ёшингда му-сикани сув қилиб ичган эдим!

Бола жавобда деди:

— Демак, муаллимингиз меникидан тузуқроқ экан-да?!

Султон Абдулазиз Париж-далигида Наполеон III Фуат Пошого султон ҳақида баъзи латифаларни айтди, унинг устидан кулар ва тез-тез танбех бериб:

— Эҳтиёт бўл, яна султон ҳазратларига айта кўрма! — дерди. Бир мартасида Фуат Пўшо чидай олмай жавоб берди:

— Кўркманг жаноб, султонга айтганларингизни етказ-майман. Ахир унинг сиз ҳақингиздаги латифаларини айтаётганим йўқ-ку!

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир ўринбосари: Иззат АҲМЕДОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖўРАБОВ Шўхрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ Шодмон ОТАБЕК (Бош муҳаррир) Абдугани АБДУРАҲМОНОВ (Масъул котиб) Мирпўлат МИРЗО Рустам ҚОСИМОВ Ёқубжон ХўЖАМБЕРДИ Бобоҳон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ: Бўриёв АҲМЕДОВ ОТАУЛИ Саидмаҳмуд АҚБАРОВ Шохруҳ АҚБАРОВ Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1. ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600 ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарриратта келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулият муаллифлар зиммасидадир. Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0481. 9476 нусхада чоп этилди.

Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табак. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

ДУШАНБА, 28

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Афсона»...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Қошмақом Ташби». Мультифилм.

18.00 Кўрсатувлар дастури. 18.05 Кундалик. 18.10 «Ситлош». Мультифилм.

17.15 Янгиликлар. * Россия жамаот телевидениси. 17.20-20.30 «Кругозор».

21.30 «Қаниқаз Изаура». Теле serial. (Сўнгий серия). 22.30 «Афсона»...

СЕПАНБА, 29

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Афсона»...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Она сойера».

18.05 Кундалик. 18.15 Эълонлар. 18.20 «Ситлош».

Россия жамаот телевидениси. 6.30-8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

Россия давлат телевидениси. 21.30 Эълонлар. 21.35 «Севгили учун урта лимон».

17.10-18.45 Туркия телевидениси. 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Мультикорусель».

ЧОРШАНБА, 30

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Афсона»...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Кўчин, жон кўчин».

17.15 Янгиликлар. * Россия жамаот телевидениси. 6.30-8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Она сойера».



Теле serial. 23.00 «Шарҳ тароналари».

ПАЙШАНБА, 31

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Афсона»...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Амридаги гуллармиз».

17.10-18.45 Туркия телевидениси. 18.45 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Мультикорусель».

17.15 Янгиликлар. * Россия жамаот телевидениси. 6.30-8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Она сойера».

17.10-18.45 Туркия телевидениси. 18.45 «Мультикорусель».

«Шоҳнома». 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Қишлоқ стадионларида».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Наташа учун эртас».

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Қишлоқ стадионларида».

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 «Қишлоқ стадионларида».

17.15 Янгиликлар. * Россия жамаот телевидениси. 6.30-8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Она сойера».

17.10-18.45 Туркия телевидениси. 18.45 «Мультикорусель».

17.10-18.45 Туркия телевидениси. 18.45 «Мультикорусель».

20.10 «Урбокий мерос». 20.25 Эълонлар. 20.30 «Афсона»...

Россия жамаот телевидениси. 18.55-22.20 «Ассалом, Ўзбекистон!».

Россия давлат телевидениси. 22.00 Эълонлар. 22.25 «Хивонин 2500 йиллиги».

9.00 «Азробиқор». 9.20 Эълонлар. 9.25 «Шоҳнома».

ЯҚШАНБА, 3

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Афсона»...

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Қишлоқ стадионларида».

17.10-18.45 Туркия телевидениси. 18.45 «Мультикорусель».

17.10-18.45 Туркия телевидениси. 18.45 «Мультикорусель».

17.10-18.45 Туркия телевидениси. 18.45 «Мультикорусель».

(Тошкентдан гиларимиз ва кўрсатимиз теледустридан олинди).

ЖУМА, 1

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонги дам олиш дастури. 8.00-8.25 «Афсона»...